



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/5**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Матякубов Н. Ўзбекистонда уй-жой қурилиши тарихи (1991-2021 йиллар): статистик таҳлил	4
Махмудова М. Амир Темурнинг Муғон дашти ва Байлақон шаҳрида бунёд этган ирригация иншоотлари ҳақида мунозара	7
Насруллаев М. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистонга хос хусусиятлари	11
Одилов Б. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихий-этнографик атласи масаласи	15
Хайдаров М., Пирназаров М., Саидходжаева М., Мирабдуллаев А., Мирақбаров М. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қончиликнинг дастлабки одимлари ҳамда қадимий олтин қонлари ҳусусида айрим мулоҳазалар	18
Шакиров И. Взаимоотношения Узбекистана и стран Юго-Восточной Азии в сфере образования и науки (на примере Сингапура)	21

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология. Сиёсий фанлар

Агзамходжаева Ш. Абдурахман Джами – наставник и учитель Навои в тарикате.....	25
Арапбаева Д. Қозоқ этносининг ўзига хос урф-одат ва удумлари	29
Asqarxonova G., Aymatova A., Xolyigitova B. Boshlang'ich sinf o'qituvchisida shahsida ibrat namunasini shakllantirish	32
Аслонов И. «Бобурнома» бадий-психологик тасвир муаммоси объекти сифатида.....	35
Атавуллаев М., Тўйчиев Н., Пардаев Б. Глобаллашув ва дунёнинг мафкуравий манзараси, мафкуравий плюрализм	38
Axmedov M. Darsdan tashqari mashg'ulotlarda o'quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantirishning pedagogik shart-sharoitlari	41
Boymatov N. Ta'limda korporativ madaniyat.....	44
Боймуродов О., Тешабоев Т., Тухтаев Н. Совершенствование образовательного процесса в военном учебном заведении на основе использования боевого опыта	47
Ботирова Ш. Факторы развивающие мировоззрение автора в поэтическом выражении	51
Guliyeva E. Theoretical fundamentals on productive speech peculiarities	54
Джуракулов Х. Замонавий экотуризмни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари	57
Камолов Э., Хуррамов А. Стратегия управления биотехнологических систем при неопределенности состояний среды	61
Каримов Ф. Анализ уровня функциональной подготовленности футболистов сборной Узбекистана	65
Каримова М. Техника фалсафасининг такомиллашуви ва инсон тафаккурининг ўзгариши	69
Қуанишова Д. Жамиятда гендер тенглик масалалари ечимининг генезиси.....	72
Қаюмова Г. Олий таълим тизимидаги рақамли таълим муҳити.....	77
Қутлымурадов К. Технологик таълим бўйича машғулотларни ташкил этишда миллий қадриятларнинг муҳим омиллари ва илмий назарий асосларини такомиллаштириш.....	80
Мирбабаев М. Мактабгача ёшдаги болаларнинг координат қобилиятини ривожлантириш	83
Муратова Ш. Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосининг илмий-назарий асослари ва унинг ўрганилганлик ҳолати	86
Назаров Н. Оммавий спортни ривожлантириш аҳолини соғломлаштиришнинг асосий омиллиридан бири	90
Назаров С. Соғлом фикрлаш соғлом турмушининг асосий сифатидир.....	93
Pulatova O. Pedagogical mechanisms for the development of a culture of communication between students of technical universities.....	95
Раббимова Ф., Туракулова В. Познание эстетической ценности природы	98
Равшанов Ғ. 16 ёшли ўсмирларнинг жисмоний ва ҳаракат тайёргарлигини takolomlayishga йўналтирилган услубиёт тадқиқоти	102
Ro'ziqulov A. Milliy o'zlikni anglash jamiyat hayotiga qanday ta'sir etadi?	106
Rustamova G. Maktabgacha yoshdagi bolalarda elementar matematik tasavvurlarni shakllantirishda triz texnologiyasidan foydalanish.....	109
Саидов И. Ёшларнинг маънавий қиёфасига қўйиладиган замонавий талаблар ва уни амалиётда намоён бўлиши.....	112
Саиткулова Н. Академик мобиллик ва унинг таълим жараёнидаги ўрни	116
Сатторов М. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш-экотизим ва ёшлар эстетик онгини соғломлаштириш усули сифатида	119
Сирожиiddинова И. Талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш масалалари	122
Соатов Р. Машраб яшаган давр маданий ҳаёти ҳақида мулоҳазалар.....	126
Таникулов Ж. Медиа аҳборот ва жамоатчилик фикри феномени	129
Тошпулатова Д. Биологик таълимда ўқувчиларни креатив фаолиятини ривожлантириш имкониятлари	132
Turaqulova V. Maktab o'quvchilarida ekologik kompetensiyalarni shakllantirish.....	135
Умарова Р., Мадаминов Ғ. Beruniyning tabiiyyun oqimi nuqtai nazaridan borliq muammosini o'ziga xos tarzda yechish yo'llari	138
Усмонов А. Ёш футболчиларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари	142
Faxriddinov Yo. Ta'lim tarbiya jarayonini diagnostika qilishda qo'llaniladigan usullar	145
Ҳабибуллаев М. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси сифатида	148
Ҳамедова Ю. Акцентуации, психопатии характера личности и социальные предпосылки проявления интеллектуального развития детей	152
Xamroyev U. Talabalarning algoritmlashga oid intellektual qobiliyat darajasini aniqlash usuli	156

Холова Ш. Физическое воспитание студенческой молодежи в современных условиях	160
Ҳошимхонов М. Машраб педагогик меросида тинчлик ва адолатпарварлик ғоялари.....	164
Hazratkulova G. Steam-ta'lim" yondashuvi asosida maktabgacha katta yoshdagi bolalarni tasviriy faoliyatini takomillashtirish	167
Чўлиев Т., Даминов Р., Пардаев Н. Особенности лекции курса общей физики.....	170
Шарипов А. Шахсининг иродавий тузилмаси ва ирода сифатларининг психологик талқини.....	173
Шоимов А., Бўриева М. Маънавий-маърифий ислохотлар – янги авлодни тарбиялаш омили.....	176
Shokirova N. Tarbiyachilarning maktabgacha yoshdagi bolalar gender tarbiyasidagi kompetentligini rivojlantirish	179
Эгамбердиев А. Олий таълим трансформациясининг эмпирик таҳлили.....	183
Egamberdiyeva S. Innovative approaches of teaching foreign languages.....	186
Эркинов И. Давлат бошқарувида электрон ҳукуматнинг жорий этилиши – бошқарув самарадорлигини ошириш омили сифатида.....	189
Эшмуратов О. Ёшларни оилавий ҳаётга психологик жихатдан тайёрлаш имкониятлари.....	192
Юлдашева Ф., Юлдашева С., Хаджикурбанова Г. Педагогические механизмы развития грамматической компетенции студентов Вуза	196
Юсупов А. Жамиятда фуқаролар сиёсий фаоллигини юксалтиришда маданий, маънавий ва мафкуравий омиللار	199

Филология

Абдувалитов Е. Миллий мактабларда кардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш	202
Абдуқаҳҳоров С. Олам лисоний манзарасининг тилда ифодаланиш жараёни	205
Azimjonova Sh. Usmon Nosir adabiy portretiga badiiy chizgilar	208
Anarbekova G. Communicative and pragmatic aspects of euphemisms in the english and uzbek political media discourse	211
Байзаков Ж. Пейзаж тасвири поэтикасида услубий муштараклик.....	214
Воситов В. Инглиз тилидаги туркизмларни ўрганиш хусусида	217
Doliyeva L. The role of onomatopoeia in phraseology (based on the material of the french language)	220
Иногамова Ф. Идиомалар ва уларнинг фразеографик таърифи тамойиллари орасидаги фарқланиш	224
Yo'ldosheva D. Tilshunoslikda tautologiyaning shakllanishi va taraqqiyoti	227
Каримова Ш. “Маҳзан ул-асрор” ҳамда “Мажмаъ ул-ахбор” дostonлари композициясининг қиёсий таҳлили.....	230
Курбанова М. Ҳошимжон ва Гекльберри характерининг қиёсий таҳлили	233
Қодиров С. Сайёҳлик дискурсининг граматик ўзига хослиги	236
Qodirova M. Understanding of conceptual metaphor in literature	240
Mamadaliyeva S. Alisher Navoiy ijodidagi maktub janrining xususiyatlari haqida.....	243
Махмудов А. Г.Э.Лессинг ижодида “Уч узук ҳақида ривоят”идаги тарихий ривоятнинг берилиши.....	246
Mirzayeva G. Structure and linguistic features of phraseologies in english and uzbek languages	249
Муминова А. Реклама матнининг лингвистик тавсифи	252
Muslixdiddinova R. Sadridin Ayniy asarlarida komponenti ma'no ifodalovchi juft so'zlarning qo'llanilishi	254
Мухаммедова Х., Ирсалиева М. Кадзуо Исигуро асарларида метафоранинг тасвирланиши	257
Надинова Х. Тил ўрганишда нуткий кўникмаларнинг ўрни.....	260
Назиржонова З. Француз тилида «кўркинч (peur)» эмоционал концептини репрезентациялашнинг лексик воситалари	263
Наимова А. Тарихий инверсиянинг намоён бўлиш воситалари.....	266
Nurmanov F. Sharq mutafakkirlarining turkiy tillar fonetikasiga oid ayrim qarashlari	269
Ochilova Z. Hozirgi zamon ingliz tili taraqqiyotida onomatopoeik so'zlarning tutgan o'rni	272
Саломова Г. Тилшуносликда аббревиатураларнинг тадқиқи масаласи	276
Sattarova N. Erkin Vohidovning lingvopragmatik vositalardan foydalanish mahorati	279
Собиржонова Н. Лингвистик атамалар луғатини тузишга доир айрим мулоҳазалар	282
Sobirova R. O'zbek va ingliz tillarida leksik sath birliklarini tadqiq qilishning metodologik asoslari va tasniflash mezonlari	285
Сотволдиева И. Тилшуносликда коллоквиализм тадқиқига назар.....	288
Суёнов Б. Тиббий терминологиядаги лақналар бирликлари тезауруси	291
Toshpo'latova N. Ulug'bek Hamdam asarlarida qo'llanilgan hissiy ifodalar tahlili	295
Турдибеков М. Топонимларнинг юзага келишида табиий шароит ва жамият ҳаётида рўй берган тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг аҳамияти	298
Узакова Г. Трансформированные фразеологизмы в английском и русском языках	301
Умурзаков Р. Бола образи назарий муаммо сифатида	304
Haitqulov Z. Mashina tarjimas, tarixi va yaratilish bosqichlari.....	307
Шамуратова Г. XX аср немис адабиётида ёшлар мавзуси (адиблар Генрих Манн, Томас Манн, Эрих Мария Ремарк ва Анна Зегерс асарлари мисолида таҳлил).....	311
Sharipova Sh. Graduallikning turli til sathlarida o'rganilishi	314
Ярашова Н. Диалогик нутқнинг лингвопсихологик тадқиқи (болалар нутқи мисолида).....	317
Яхшибоева Н. Эркин Аъзам асарлари таржимасида колористик ибораларнинг қайта яратилиши	319
Яхёева З. Сон ва сифат тушунчаларининг дунё концептуал тизими ҳамда тил тасвиридаги муҳим ўрни	323



Жандос БАЙЗАКОВ,
ТВЧДПИИ тадқиқотчиси
E-mail: jandosxon88@mail.ru

ЖДПИИ Ф.ф.н., доцент Соатова Н.И. тақризи асосида

METHODOLOGICAL COMMONITY IN LITERATURE POETICS

Annotation

This article interprets and analyzes the Uzbek and Kazakh peoples' customs, way of life and the criteria of inter-tribalism, as well as the closeness of their literature, in this sense, the commonalities in the poetics of modern work in depicting the spirit of man and nature.

Keywords: folk, literature, time and epoch, landscape, poetics of modern work, artistic mastery, commonality.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКАЯ ОБЩНОСТЬ В ЛИТЕРАТУРНОЙ ПОЭТИКЕ

Аннотация

В данной статье осмысляются и анализируются обычаи, быт и критерии межплеменной принадлежности узбекского и казахского народов, а также близость их литературы, в этом смысле общие черты поэтики современного произведения в изображении духа человек и природа.

Ключевые слова: народ, литература, время и эпоха, пейзаж, поэтика современного произведения, художественное мастерство, общность.

ПЕЙЗАЖ ТАСВИРИ ПОЭТИКАСИДА УСЛУБИЙ МУШТАРАКЛИК

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек ва қозоқ халқлари урф одатлари, яшаш тарзи ҳамда ўзаро қабила-урғучилик мезонлари билан бир қаторда адабиёти ҳам бир бирига жуда яқинлиги, шу маънода, замонавий асар поэтикасида инсон ва табиат руҳиятини тасвирлаш борасида муштарак жиҳатлар талқин ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқ, адабиёт, замон ва давр, пейзаж, замонавий асар поэтикаси, бадий маҳорат, муштараклик.

Кириш. Ўзбек ва қозоқ халқлари азал-азалдан урф одатлари, яшаш тарзи ҳамда ўзаро қабила-урғучилик мезонларида ҳам бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш ҳаёт кечириб келмоқда. Халқларимиз қадим давлардан буён дўсту биродарлик тамойиллари асосида яшашиди Шу маънода, замонавий асар поэтикасида инсон ва табиат руҳиятини тасвирлаш борасида муштарак жиҳатлар кўпдир. Эсонғали Равшанов қозоқ наслрининг истеъдодли адибларидан бири. Ўзбек наслрида асарлари жаҳоннинг ўнга яқин тилига таржима қилинаётган Исажон Султон ҳам ана шундай маҳоратли ёзувчилардан саналади. Ҳар иккала ёзувчининг воқеликни идрок қилиш тамойилларида ўзига хослик билан тасвирий яхлитлик кузатилади.

Маълумки, пейзаж тасвири бадий асарда шахс ва ҳодисаларнинг сюжет поэтикасида муҳим компонент эканлигини ёдда тутмоқ жоиз. Инсон руҳиятини ёритишда пейзаж ҳолатлар, воқеалар, замон ва давр синовларида ҳаёт кечириётган характерлар ўсиш-ўзгаришларини янада тиниқроқ англашда қўл келади. Шуни унутмаслик жозики, қозоқ адабиётининг таникли ёзувчиси Эсонғали Равшанов бадий асарнинг эсселашув тамойилларини ўзига хос тарзда идрок қилган ёзувчилардан бири эканлиги аёнлашади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ёзувчи “Оққуш сузган сув сулув” эссеси Исажон Султоннинг “Онаизорим” киссасидаги кайфиятни ёдимизга солади.

Ҳар иккала ёзувчи воқеликни шу қадар табиий ва ўзига хос тарзда талқин қиладики, ўқувчи сўз воситаси орқали энг қизиқарли картина томоша қилаётгандек сезади ўзини. Масалан “Оққуш сузган сув сулув” эссесида табиатнинг бетакрор мўъжизаларидан бири – қушлар ҳаётини шоирона нигоҳ билан тасвирлайди:

“У шивирлок оққушдан нимаси билан фарк қилади?

Фарқ – бўйнида. Шивирлокнинг бўйни эгилган, у эса бўйнини тик тутди. Эгмайди, эгилмайди. Овози дағалроқ. Сузганида шивирлокдай эмас, танасини сувга ботириброк, думини кўтариброк сузади.

Қишда Исикқўлга йўлим тушиб қолди. Қўлга курқулдоқ оққушлар кишлагани учиб келишар экан. Қўл юзи оққушлардан оппоқ бўлиб кетган. Йил сайин декабрь, январда қўлга мингга яқин оққуш келиб, шу ерда кишлаб, баҳор келиши билан учиб кетишади. Бу ерлик болалар оққушларнинг бир-бирлари билан уришганини томоша қилиб, қуни бўйи соҳилдан кетишмайди. Оққушнинг “овули”га бегона қуш тасодифан келиб қолса, эркаги “жой бергандан жон берган афзал” деб, “оиласини” жон-жаҳди билан ҳимоя қилади. Баъзан, болалар томоша кўриш учун икки эркак оққуш ўртасига ҳўрак ташлаб, уларни уриштиришар экан. Балиқчи қирғиз чол ўша йили курқулдоқ оққушнинг ўзига ҳамла қилган тулкини қаноти билан уриб, ҳушидан кетказганини ҳаяжонланиб ҳикоя қилган эди. Дарҳақиқат, бу қушнинг жанг пайтидаги вазоҳатини кўриброк, унинг ўзини ҳимоя қила олишига ишонч ҳосил қиласиз”[1].

Мазкур лавҳада ёзувчининг қуш табиатини тасвирлай олиш маҳоратининг юксаклигини ҳис қиламиз. Қушлар олами ва уларнинг яшаш тарзи билан боғлиқ жуда кўплаб асарлар ёзилган. Рабғузий, Навоий, Бобур сингари мутафаккирлар ижодида бунинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Эссе-киссада ёзувчи оққушнинг ҳаётига доир илмий тафаккур билан бадий тафаккурни уйғунлаштирадигани, натижада ўқувчида бу қуш турига доир тушунча-тасаввурлар кенгайди. Ёзувчи кўплаб сафарлар қилган. Марказий Осиёнинг ёввойи

табиатининг ранг-баранг қиёфасини тасвирлар экан, халқ оғзаки ижодига хос мифологик қарашларни ҳам бугунги даврга яқинлаштиришга эришади. Аслида, мифологик қатлам Исажон Султон ва Эсонғали Равшанов изланишларида турфа поэтологик конструкцияни бирлаштиради. Онг ва туйғу нисбати олам ва одам тигизлигини англашга йўл очади. Тасаввурлар силсиласида юзага чиқаётган ҳаётий ҳақиқат, пейзаж тасвирида бадий шартланишга эврилади.

“Исажон Султоннинг “Онаизорим” қиссаси ижодий тафаккур оламидаги ана шундай жабҳалардан бирига ўзининг хос, айрича эътибори ҳамда ёндашув тарзи билан, ахлокий-эстетик нияти, ижросининг услубан равшанлиги билан характерланади. Таъкидлаш жоизки, ёзувчининг дунё ишлари, мантиқ-моҳиятига, барча нарсаси ҳодисаларга муносабатдаги ҳақ эътиқодга таслим поэтик-фалсафий фаразлари қиссадаги у қадар катта янгилик эмас. Улар унинг ўқувчиларига олдинги асарлариданоқ аллақачон таниш ва жуда манзур. Яхши хусусият ва қарашларга бой ўша хос услуб “Онаизорим”да ҳам тўла ҳукмрон, қиссани ҳар томонлама зийнатлаган”[2], - ёзади Т.Шермуродов. Ҳақиқатдан ҳам, асарда пейзаж – Раёно исмли оккуш мисол садоқат ва вафо тимсолида бўй кўрсатган бир муштипар ўзбек аёлининг қалбу шуурида кечаётган зиддиятларни, оддий ва камтарин она васфини талқин қилишга қаратилган гўзал қиссадир. Бу дарднинг улғайиши, жамият ҳаётида содир бўлаётган изтиробларнинг инсон тақдирига таъсири яққол намоён бўлган. Эсонғали Равшанов ҳам “Оккуш сузган сув сулув” асарида инсон ва қуш тимсолида хотин-қизлар боразини ҳам сюжет поэтикасига сингдириб тасвирлайди. Ҳар иккала ёзувчининг услубий манераси – нарсаси ва ҳодисалар образини, табиат неъматларининг мўъжизавий қисматини қадим мифологик афсона, ривоят, хикоятлар негизига қайта идрок қилишда кўринади. Демак, ёзувчилар пейзаж бағрида олам ва одам руҳини типиклаштириш йўлидан, янги бир модификацион талқин йўсинини қайта кашф қилади.

Тадқиқот методологияси. “Ўтмишга мурожаат қиладиган бўлсак, бундан кўп асрлар муқаддам Уч қиян этакларида оккуш қўнадиган қўллар бўлган, дейишади. Алқисса, ўшанда доно Жонибек Султон Улуғ салтанатининг шухрати оламини тутган, камолга етиб, қора тулпори маррага етган бир олтин давр бўлган экан. Хоннинг ҳусну жамолда ойни хижолатда қўядиган танҳою тантик кизи “Бундай гўзал ва улуғвор дориссалтанатга оккушлар сузадиган ҳовуз етишмаётир”, дейди-да, эрка Ёйикнинг йўлига тўғон қуриб, уни шаҳар ўртасидан ўтказтиради. Муҳандислар бошчилигидаги қушлар бир енгдан қўл, бир ёқадан бош чиқариб, тинимсиз ер қазиб, шаҳар марказида ҳовуз эмас, улкан қўл яратишади. “Хоннинг қаҳридан эмас, хонзода қизининг қилигидан қўрқаман”, деган сўз ўша замонлардан қолгандир, балки. Хонзода шу билан чекланмасдан, “Оккуш ширинликка ўч қуш” деб, олис-яқиндан, қарвон-қарвон қанд-шакар ташитиб, қўлга тўктиради. “Шакарқўл” деган ном ана шундан қолган дейишади. Натижада, ростдан ҳам Шакарқўлга оккушлар қўнадиган бўпти. Уларга ҳеч ким тегмас, тегмоқ у ёқда турсин, ҳатто хурқитган одам ҳам хонзаданинг қаҳрига учрар экан. Орадан кўп ўтмай Шакарқўлнинг сатҳи оппоқ қушлардан қўринмай кетибди. Оқшом сайрга чиққан хон қизининг қанизақлари олтин қайикда қўлнинг ўртасига сузиб бориб, оккушларни қўллари билан оҳиста бир чеккага суриб, сув олишар эканлар. Қўҳна қозоқ заминидан мана шундай афсонавий шаҳарлар бўлган. Қани ўша шаҳарлар? Уларни ким заволга учратди? Ким эмас, нима завог топтирди? Манманлиқданми ёки беғамлиқданми? Нодонлиқми? Ёлқовлиқми, мақтанчоқлик билан исрофгарчиликми?

Сабабини билмаймиз. Тарихий ҳақиқатни билмоқ мушкул. Чунки ҳар бир авлод ўз қаричи, ўз нафсу эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тарих яратади”[3]

Ушбу лавҳада мифопоэтик қатлам ёзувчи ижодида янгича бир ракурса кўзга ташланади. Мана шу тасвирда ҳар иккала ёзувчининг тасвир объектига олинган табиат неъматларининг муштараклиги юзага чиқади. Мифопоэтик тафаккурнинг ривожланиши, қайта ишланиши ҳамда ўзгаришга мойиллиги идрок сарчашмаларини бирлаштиради. Оккуш ва хон қизининг қисмати зукко ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Эссе-қиссада афсона ва ривоятлар ёзувчи бадийиятининг асосий ижодий концепциясини типиклаштиради. Исажон Султон ҳам “Онаизорим” қиссасида шундай тасвирларни худди моҳир рассомдек қизиб берадики, ўқувчини соҳир орзулар ҳаёлини тезда ром этади:

“Яна бир чақалоқ туғилди.

У ҳеч нимани билмайдиган, гоҳ ўзича қулимсираб, гоҳ чириллаб йиғлайдиган қизик бег жонзот эди.

Онаси юмушга уннаб кетганида гоҳо Раёнога “Уканга қараб тур”, дер эди. Шунда Раёно қизиксиниб унинг қўл-бетларини ушлаб кўрарди. Чақалоққа бу ёқмас, гингширди.

Она аллалари ҳам ўчмас бўлиб ёдига муҳрланди:

Тилимининг узун-ё, алла.

Юзимнинг қизили-ё, алла,

Юрагимнинг тафтига-ё

Тандирлар қизийди-ё, алла...

...Отасининг давлати йўқ, алла-ё алла,

Онасининг роҳати йўқ, алла-ё алла...

Сўзларига эътибор берармиди? “Юзимнинг қизилиги сен туфайли”, дермиди онаси? “Сен бўлмасанг сомондай сарғаярдим, Худойим етказганига минг шукур” дермиди? “Тилимининг дўсту душман орасида узун бўлишим сендан, ахир... Йўқса, орзу-армонларим мўл эди, энди эса юрагимда тафтига тандирлар қизийдиган даражада лаҳча чўғлар бор, жоним болам”, деб қуйлармиди алласини онаизор?

Гоҳо хотинлар тўпланиб, чилдирма чалиб қўшиқ ҳам айтар эдилар:

Толенм бўлса эди, ёнган чирок ўчармиди?

Мен суянган тоғларим ости билан кўчармиди?”[4]

Таҳлил ва натижалар. Исажон Султон “Онаизорим” қиссаси адбининг ўз ҳаётидан олинган бир асар янглиғ таассурот уйғотади ўқувчида. Пейзаж тасвири бадийлик модуси шахс руҳиятини давр муаммолари билан омухта тасвирлашга диққат қилинади. Адиб ўнлаб мифологик образларни олиб қирадики, худди Эсонғали Равшанов каби сюжетга тарих ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан уйғунлиқда идроклайди. Мана шу услубий доминант ҳар иккала адиб изланишларидаги муштарак жиҳатларни камрайди. “Ҳаётий материалнинг ўзи сюжетга яратиш учун камлик қилади. Асар ёзиш ниятининг пайдо бўлиши учун қандайдир туртки зарур бўлади. Бу туртки тасодифий учрашув, юракка ўрнашиб қолган сўз, туш, олисдан эшитилган товуш, томчидаги қуёш нури ёки пароход гудоги ва ҳаказо... биринчи қарашда арзимаган, баъзан эса асарда кўтариладиган масалаларга умуман плоқаси бўлмаган бирон нарсаси бўлиши мумкин. Чамаси ана шу туртки сюжетда ифодаланадиган ғоявий асосни ёзувчига топиб беради. Арзима турткининг ижод жараёнидаги улкан аҳамияти ҳам ана шундадир”[5], - таъкидлайди проф. Д.Тўраев. Бинобарин, поэтик талқин бирикмида сюжет ва композиция муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар бир деталь тасвир экзистенциясини барқарорлаштиради. Ижодкор айни мифологик қатлам таркибида акс этаётган ҳар қандай образни пейзаж билан юзага чиқаради. Эсонғали Равшанов дашт ва воҳа, саҳро табиатини, табиатдани

инжа сирларни юрак-юракдан теран ҳис қилиб асар битишида ҳам ўзига хос бир манера мавжуд. Исажон Султон ўзбекона урф-одатларни, айниқса, қишлоқ қўйнида вояга етаётган болаликни кўз ўнгимизда ҳис қилдирганча идроклайди. Бундай ижодий анъана ҳар иккала халқ адабиёти, айниқса, насрий изланишларда янада ёрқин лавҳаларда намоён бўлади.

Ҳар бир асар ўзининг замон ва давр эҳтиёжлари маҳсули сифатида юзага келади. Кейинги йилларда бадиийлик моҳиятида мифопоэтик талқин тамойилларига

эътибор кучайиб бормокда. Бундай сифат ўзгаришлари ёзувчиларнинг жаҳон адабий ҳаётида бўлаётган ривожланишларни тўғри англай олганлиги, ўзларининг истеъдодларини намоён қилишда катта изланишлар олиб бориши билан ҳам ўлчанади. Чунки бадиийлик ҳамиша истеъдоднинг бағрида такомиллашади. Ёзувчи ҳаёт материални бадиий сюжетга айлантирар экан, шахс руҳиятини оддий бир табиат неъматлари тимсолида акс эттириши ҳам мумкин. Зеро, чинакам эркинлик адабиётнинг турфаланишига замин яратди.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/esongali-ravshanov/eson-ali-ravshanov-o-ush-suzgan-suv-suluv/>
2. Шермуродов Т. Мангу онаизорлик талқини. Исажон султон насри бадиияти. Мақолалар тўплами. –Т., “Turon Zamin Ziyo”. 2017. –Б.134.
3. <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/esongali-ravshanov/eson-ali-ravshanov-o-ush-suzgan-suv-suluv/>
4. Исажон Султон. Онаизорим. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-onaizorim-qissa/>
5. Тўраев Д. Ҳаётий материалдан бадиий сюжетга. Ўзбек адабий танқиди. Анталогия. –Т., “Турон иқбол”. 2011. –Б. 324.